

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

Jild 3, Son 12/1

**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 12/1 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳақимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

## **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Елмуратов Икматулла Гайбуллаевич</i> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ТАРИХИ (1931-1936 ЙИЛЛАР) .....	12-18
<i>Qitaybekov Azizbek Kenesbek o'g'li</i> QORAQALPOG'ISTONDA HAVO TRANSPORTINING SHAKLLANISHIDA "DOBROLET" AKSIYADORLIK JAMIYATINING O'RNI .....	19-23
<i>Nawrizbaeva Nurjamal Qudaybergenovna</i> QORAQALPOQLARNING GILAMCHILIGI BILAN BOG'LIQ VA'ZI MAROSIMLAR .....	24-29
<i>Сайдуллаев Фаррух Умедулло ўғли</i> МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЭТНОЛОГИК ВА ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРИ .....	30-35
<i>Berdiqulov Mirolim Tugalvoyevich</i> ТО'ДА-1 NEOLIT MAKONINING O'ZBEKISTON TOSH DAVRI ARXELOGIYASINI O'RGANISHDAGI O'RNI .....	36-40
<i>Olimjonova Gulida Olimjon qizi</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT VOJXONA XIZMATI ORGANLARI FAOLIYATI ..	41-47
<i>O'ng'alov Lazizbek Amiriddin o'g'li</i> NUROTA TOG' TIZMASINING TOSH DAVRI ARXELOGIYASINING O'RGANILISH TARIXI..	48-53
<i>Rahmonov Faxriddin Shoymardonovich</i> MILLIY DEHQONCHILIK MADANIYATINI ETNO-TARIXIY MANBALARDA AKS ETISHI (JANUBIY O'ZBEKISTON MISOLIDA) .....	54-58
<i>Tilavboyev Muhammad</i> JIZZAX VOHASIDA OT BILAN BOG'LIQ URF-ODATLAR VA MAROSIMLAR .....	59-63
<i>To'xtaboyev Xurmatullo Shomirza o'g'li</i> O'ZBEKISTON ILM-FANI RIVOJIDA FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETINING O'RNI (MUSTAQILLIK YILLARI MISOLIDA) .....	64-68
<i>Рахматиллаев Хасанбой</i> МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ВА УСУЛЛАРГА ДОИР .....	69-74
<i>Qurbonova Manzila Boqiyevna</i> BUXORO VOHASI MILLIY SHIRINLIKLARI VA ICHIMLIKLARI .....	75-80
<i>Ravshanova Gulora</i> QASHQADARYO VOHASIDA MUNTAZAM QUROLLI HARAKATLAR TA'MINOTI (XX-asrning 20- yillarida) .....	81-85
<i>Зарипбаев Уснатдин Оракбаевич</i> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ .....	86-90

<i>Baxronov Abdullo Haydar o'gli</i> O'ZBEKISTONDA TOSH DAVRI ARXELOGIYASINI O'RGANISHDA XALQARO EKSPEDISIYALARINING O'RNI .....	91-95
<i>Maxmatqulov Jasur Isroil o'g'li</i> GIYOHVANDLIKKA QARSHI KURASH MAVZUSINING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	96-101
<i>Esanova Nilufar</i> O'ZBEKISTON-TURKIYA HAMKORLIGI VA UNING NATIJASI (TO'QIMACHILIK SANOATI MISOLIDA) .....	102-106
<i>Норбоев Сарвар Қаҳрамон ўғли</i> АФРОСИЁБДАГИ СЎҒД МУДОФАА ДЕВОРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (XX АСРНИНГ 50-80-ЙИЛЛАРИ).....	107-111
<i>Эсонов Зиёдбек Юлдашевич</i> ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТЎҚИМАЧИЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ .....	112-117
<i>Tishabayeva Irodaxon Rasulovna</i> 1960-1970 YILLARDA O'ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI .....	118-124
<i>To'xtamishева Fotima Musurmonovna</i> MUSTAQILLIK YILLARIDA QASHQADARYO VOHASI KASHTADO'ZLIGIDA O'ZGARISHLAR.....	125-132
<i>Sattorov Nurbek</i> SHIMOLIY BAQTRIYA VA ZARAFSHON MINTAQALARIDA DEHQONCHILIK VA CHORVACHILIK MADANIYATI SOHIBLARI ETNOMADANIY ALOQALARINING O'ZBEK XALQI ETNOGENEZI SHAKLLANISHIDAGI O'RNI .....	133-138
<i>Hazratov Nurali Burxon ug'li</i> QADIMGI KESH VILOYATI HUDUDIDAGI ARXELOGIK YODGORLIKLARINING O'RGANILISH TARIXIDAN .....	139-144
<i>Mamatqulov Bekzod Sherzovich</i> O'ZBEKISTONDA GAZ-OLTINGUGURT SANOATINING YUZAGA KELISHI VA UNING RIVOJLANISH TARIXI (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA).....	145-149
<i>Berdiyev Jamshid</i> VOHA JOY NOMLARINING SHAKLLANISHIDA ETNONIMLAR VA PATRONIMLARNING TUTGAN O'RNI .....	150-155
<i>Djurakulov Sherzod Davronovich</i> SAMARQAND VILOYATI HUDUDIDI TOSH DAVRI ARXELOGIYASINING O'RGANILISHI TARIXI .....	156-161
<i>Қурбанова Дилрабо Шерипбоевна</i> ПАРЛАМЕНТ ТАРИХИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ .....	162-172

<i>Зухриддин Болтаевич Жунаев</i> ХОРАЗМДА РЕСПУБЛИКА ТУЗУМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР (1920-1924 йиллар) .....	173-181
<i>Mamadiev Voxodir Bobojonovich</i> QASHQADARYO MUZEYIDAGI NODIR OSTODON .....	182-186
<i>Norqo'chqarov Xushvaqt Eshnazarovich</i> AFG'ONISTONDA O'ZBEK TILINING QONUNIY ASOSLANISHI, O'ZBEKLAR IJTIMOIIY-MADANIY HAYOTIDAGI O'RNI (XX ASR – XXI ASR BOSHLARI) .....	187-197
<i>Ибрагимов Рахмон Зиёдуллаевич</i> ТОШКЕНТ ВОҲАСИ СЎНГГИ БРОНЗА ДАВРИ ТАРИХИ ТИЗИМИДА: ДАФН УДУМИ ВА МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ .....	198-203
<i>Азаматова Гулмира Байирбековна</i> ОДАМ САВДОСИГА УЧРАГАН МИГРАНТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА БАЎЗИ МУЛОҲАЗАЛАР .....	204-208
<i>Tishabayeva Iroдахon Rasulovna</i> 1960-1970 YILLARDA O'ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI .....	209-215
<b>08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ</b>	
<i>Ostonokulov Azamat Abdukarimovich, Inoyatov Mardonbek Mo'min o'g'li</i> DAVLAT SEKTORIDA ICHKI AUDITNING XALQARO STANDARTLARI .....	216-226
<i>Kurbaniyazov Shaxzodbek Karimovich</i> O'ZBEKISTONDA KORPORATIV BOSHQARUV TASHKILIIY- IQTISODIY MEKANIZMI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING NAZARIY VA USLUBIY ASOSLARI .....	227-232
<i>Отабеков Отажон Ғайрат ўғли</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОПТИМАЛ СОЛИҚ ЮКИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МАСАЛАЛАРИ .....	233-243
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i> ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ .....	244-255
<i>Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич</i> ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	256-263
<i>Jumaniyazova Ro'za Quvondiq qizi</i> TURIZM INFRATUZILMASI TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS JIHATLARI .....	264-269
<i>Matniyozov Murodjon Rajabbayevich</i> DESTINATSIYA IMIDJINI SHAKLLANTIRISHDA TURISTLARNING SODIQLIGI VA QONIQLASHINING AHAMIYATI .....	270-278

<i>Хамидова Зарифа Урол қизи</i> ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ИЧКИ АУДИТ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	279-291
<i>Toshaliyeva Saodat Toxirovna</i> KICHIK TADBIRKORLIK TUSHUNCHASI VA UNING IJTIMOIIY-IQTISODIY MONIYATI ....	292-296
<i>Худойназаров Фахритдин Хаитович</i> ИБН ХАЛДУННИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАВСИЯЛАРИ .....	297-304
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i> GASTRANOMIYANING TURIZM RIVOJLANISHIDAGI ANAMIYATI .....	305-313
<i>Кадырова Шарофат Амоновна</i> ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ ....	314-323
<i>Бегматова Зиёда Захиджановна</i> ДАВЛАТ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИ АСОСИДА КАДРЛАР БАНДЛИГИНИ ВА УЛАРГА ТАЛАБНИ БАҲОЛАШ .....	324-332
<i>Shafkarov Bakhrom Khudoyberdievich</i> TERRITORIAL FEATURES AND THEIR EFFECTIVE USE IN THE CULTIVATION OF VITICULTURE PRODUCTS .....	333-340
<i>Masharipova Fazilat Axmedovna</i> OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING ANAMIYATI .....	341-348
<i>Мусинов Дилшод Султанович</i> ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГИ ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ СИФАТИДА .....	349-359
<i>Шакирова Юлдуз Сайдалиевна</i> ВОПРОСЫ РАЗРАБОТКИ ДОРОЖНОЙ КАРТЫ АКТИВИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ .....	360-368
<i>Абдивоҳидов Мамуржон Авазхон ўғли</i> РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ МАЗМУНИ, ТАВСИФИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	369-380
<i>To'xtasinova Muxayyo Mirzasultonovna</i> DAVLATNING INNOVATSION TIZIMINI SHAKLLANTIRISH MASALASIGA .....	381-388
<i>Қурбанова Раҳима Джамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна</i> РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В СТИМУЛИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ .....	389-403
<i>Набиева Нилуфар Муратовна</i> ОСОБЕННОСТИ КОМПЛЕКСА МАРКЕТИНГОВОГО ПРОДВИЖЕНИЯ КОМПАНИИ В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ .....	404-416



<i>Safarov Radjabboy Eshmuxammadovich</i> KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISHDA INDIVIDUAL DAROMADGA SOLIQLAR MEKANIZMIDAN SAMARALI FOYDALANISH MASALALARI .....	417-428
<i>Sharipova Zulayho</i> SANOAT TARMOQLARI KLASSTERLARINI RIVOJLANTIRISH VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI .....	429-434
<i>Шарипов Акбар Илхамович</i> ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГНИ РОЛИ .....	435-440
<i>Хаджаев Хабибулла Сагдуллаевич</i> ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ И ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ АНТИМОНОПОЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ .....	441-447
<i>Хамзайева Дилфуза Самаровна</i> SURXANDARYO VILOYATIDA TURISTIK MAHSULOTLARNI BAHOLASH VA SAMARALI RIVOJLATIRISH IMKONIYATLARI .....	448-452
<i>Усманова Насиба Акбаржоновна</i> ПУТИ РАЗВИТИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В СФЕРЕ УСЛУГ .....	453-459
<i>Исхакова Сарвар Аюбовна</i> ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ЗАНЯТОСТЬ И КВАЛИФИКАЦИЮ ПЕРСОНАЛА В СФЕРЕ БЫТОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ .....	460-467
<i>Ollanazarov Bekmurod Davlatmurotovich</i> INNOVATSION TADBIRKORLIKNI MOLIYALASHTIRISHDA MUQOBIL MOLIYALASHTIRISH VOSITALARIDAN FOYDALANISH VA UNI TURISTIK XIZMATLAR SOHASIDA QO'LLASH IMKONIYATLARI .....	468-479
<i>To'uchiyeva Nodira G'ulom qizi</i> OLIY TA'LIMNI BOSHQARISHDAGI INNOVATSIYALAR. CHAT GPT YOHUD SUN'IY INTELLEKT .....	480-485
<i>Абдурахимова Саида Аҳмаджановна, Адилова Гўзал Абзаловна</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ .....	486-494
<i>Maxsudov Sherzod Solijonovich</i> TO'QIMACHILIK SANOATI KORXONALARIDA INVESTITSION MUHIT JOZIBADORLIGINI BOSHQARISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI .....	495-500
<i>Tadjibekova Dilnoza Bakhtiyarovna</i> ENHANCING FINANCIAL RESOURCE FORMATION IN BUSINESSES .....	501-506
<i>Radjabova Malika Ziyodullayevna</i> AHOLI BANDLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI XUSUSIDA .....	507-512

### 09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Asraqulova Adiba Nabiyevna</i> ZAMONAVIY DAVRDA IQTISODGA FALSAFIY QARASHLAR .....	513-520
<i>Жўраев Аҳмад Муҳаммадиевич</i> ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК ҲОЯЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ .....	521-530
<i>Гуламова Мавжуда Ташпулатовна</i> АХМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНаВИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОҲ ҲОЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ .....	531-538
<i>Abduxolikova Nasiba Alijonovna</i> YOSHLARNING ONLAYN TA'LIM JARAYONIGA TA'SIR ETUVCHI IJOBIIY SALBIY OMILLAR .....	539-544
<i>Yazdonov Zikirillo Shukurilloevich</i> QALANDARIYLIK VA UNING INSON, JAMIYAT TIZIMIDAGI O'RNI .....	545-552
<i>Sharipova Barno Salimovna</i> BIOETIK MADANIYATNING RIVOJLANISH BOSQICHLARI VA UNING ZAMONAVIY IMIJI .....	553-558
<i>Xalikulova Umida Rustamovna</i> AXBOROT MUHITINING OLIY TA'LIMGA TA'SIRI: KONSTRUKTIV VA DESTRUKTIV OMILLAR .....	559-564
<i>Abbasova Maftuna Subxonovna, Temirova Xurshida</i> OILA VA NIKOH MA'NAVIYATI, OILANI MUSTAHKAMLASH OMILLARI .....	565-571
<i>Tog'ayev Nodirjon Ergashevich</i> AJDODLARIMIZ BOY ILMIY MEROSINING O'ZBEKISTONDA MA'RIFATLI JAMIYAT QURISH HAMDA YOSHLAR TARBIIYASIDA TUTGAN O'RNI .....	572-576
<i>Kipchoqov Xomidjon Gulomovich</i> JAVOBGARLIK PRINSIPINI SHAKLLANTIRISH AXLOQSHUNOSLIKNING ASOSIY MASALASI SIFATIDA .....	577-581
<i>Raximova Rayxon Abdurasulovna</i> ZAMONAVIY OILADA MA'NAVIY-AXLOQIY QADRIYATLARNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMONING NAZARIY VA USLUBIY TAHLILI .....	582-586
<i>Агзамова Нилюфар Шухратовна</i> "АДАБ АЛЬ-ТАБИБ" КАК ИСТОЧНИК НАЦИОНАЛЬНОЙ БИОЭТИКИ .....	587-591
<i>Axmadiyev Nuriddin Muxutdinovich</i> INTELLEKTUAL MADANIYAT YOSHLARNING INNOVATSION FAOLLIGINI OSHIRISHNING MUHIM MEZONI SIFATIDA .....	592-596
<i>Nabiyev Mansur Jamxur o'g'li</i> DEMOKRATIK JAMIYAT TARAQQIYOTIDA IJTIMOIIY G'OYALAR EVOLYUTSIYASI VA MODERNIZATSIIYASI .....	597-603

<i>Kenjayeva Dilrabo Romanovna, Xaydarova Larisa Sunnatovna</i> GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY MADANIYAT SOHASIDAGI O'ZGARISHLARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI .....	604-609
<i>Abduraximova Tursunoy Abduvoxid qizi</i> O'ZBEKISTONDA OLIY TA'LIM TRANSFORMATSIYASINING FALSAFIY MOHIYATI .....	610-615
<i>Tagayev Ganisher Xasanovich</i> YOSHLAR ETNOESTETIK DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISHDA BADIY-ESTETIK OMILLARNING O'RNI .....	616-625
<i>Шоназаров Жамшид Шуҳратович</i> БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ҲОЯСИ .....	626-630
<i>Ҳамраев Сирож Абруевич</i> ЖАМИЯТ ЯНГИЛАНИШИ ВА ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ .....	631-637
<i>Nabiyev Bekzod Muxammadumarovich</i> MAFKURAVIY ISHLARNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARI: O'ZBEKISTON VA XORIY TAJRIBASI .....	638-642
<i>Hashimova Gulsina Ismoyilovna</i> HARBIY IJTIMOYIY ISH VA HARBIY MADANIYATNING HARBIY XIZMATCHILAR FAROVONLIGINI TA'MINLASHDAGI ROLI .....	643-648
<i>Karimova Gulnoza Yigitaliyevna</i> AXLOQIY MADANIYAT TUSHUNCHASINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOYIY ZARURIYATI .....	649-655
<i>Sharipova Kamola Usmonjonovna</i> YANGI O'ZBEKISTONDA GENDER TENGLIKNI TA'MINLASH BO'YICHA ILG'OR XORIJIY DAVLATLAR TAJRIBASINI MILLIY STRATEGIYAGA TRANSFORMASIYALASH ISTIQBOLLARI .....	656-661

*08.00.00- Иқтисодиёт фанлари*

**Гуламова Мавжуда Ташпулатовна,**  
Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат  
тиббиёт институти Тиббий кимё кафедраси доценти  
([gulamovamavjuda@mail.ru](mailto:gulamovamavjuda@mail.ru))

**АХМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНАВИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН  
ҒОЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Кумушхонавий “Жомиъул-усул фил авлиё ва анвоиҳим” асарида комил инсонга таърифи фалсафий таҳлил этилди. Таҳлил натижалари асосида Кумушхонавийнинг комил инсонга берган таърифини олти қирраси аниқланди. Комил инсонга Ибнал Арабий ва Азизиддин Насафий томонидан берилган таъриф билан Кумушхонавий берган таъриф умумийлиги билан бирга ўзига хос томонлари аниқланди. Кумушхонавийнинг “Комил инсон”га берган таърифи асосида Маънавий ва маърифий ишларини олиб бориш Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда баркамол ёшларни тарбиялашда самарали фойда бериши мумкин.

**Калит сўзлар:** Аллоҳ таоло, Қуръони карим, Нақшбандия, рух, ақл, нафс, илм, комил, инсон.

**Gulamova Mavjuda Tashpulatovna,**  
Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina  
Associate Professor, Department of Medical Chemistry

**PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF IDEAL PEOPLE IN THE WORKS OF AHMAD  
ZIAUDDIN AL-KUMUSHHANA VI**

**Abstract.** This article philosophically analyzes Kumushkhanavi's definition of a perfect person “Jamiul-usul fil avliya va anvohim.” According to the results of the analysis, the definition of the ideal person Kumushkhanavi was determined by six aspects. The definition given by Ibnal Arabi and Aziziddin Nasafi to the perfect person, and the generality of the definition given by Kumushkhanavi, as well as its specific aspects, are defined. According to Kumushkhanavi's definition of “The Perfect Man,” carrying out spiritual and educational work can be effective in forming the foundations of the Third Renaissance in New Uzbekistan and educating mature youth.

**Key words:** Allah Almighty, Holy Quran, Naqshbandiya, spirit, mind, self, knowledge, perfect, man.

**Гуламова Мавжуда Ташпулатовна,**  
Бухарского Государственного медицинского института имени  
Абу Али ибн Сины, Доцент кафедры медицинской химии

**ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ИДЕАЛЬНЫХ ЛЮДЕЙ В ТВОРЧЕСТВАХ АХМАДА  
ЗИАУДДИНА АЛЬ-КУМУШХАНАВИ**

**Аннотация.** В данной статье философски проанализировано определение совершенного человека Кумушханави «Джамиул-усул фил авлия ва анвоиҳим». По результатам анализа определение идеального

человека Кумушханави определялось шестью аспектами. Определены данное Ибналом Араби и Азизиддином Насафи совершенному человеку, и общность определения, данного Кумушханави, а также его конкретные аспекты. Согласно определению Кумушханави «Совершенный человек», проведение духовно-просветительской работы может быть эффективным в формировании основ Третьего Возрождения в Новом Узбекистане и воспитании зрелой молодежи.

**Ключевые слова:** Всевышний Аллах, Священный Коран, Накшбандия, дух, разум, самость, знание, совершенное, человек.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I12.1Y2023N71>

Комил инсон тарбияси, инсонни нуқсонлар, гуноҳлардан поклаш азал-азалдан донишманд алломаларнинг асосий мақсади бўлиб келган. Бу йўлда қанчадан-қанча тасаввуф аҳли, олимлар, шоирлар, мутафаккирлар, ёзувчилар комил инсон ким, у қандай сифатларга эга, у қандай тарбияланади шулар тўғрисида ўзларининг бебаҳо фикрларини ёзиб қолдирганлар. Ана шулардан бири Накшбандия-холидия тариқати давомчиси Кумушхонавия тармоғи асосчиси Ахмад Зиёвуддин Ал-Кумушхонавийдир(1813/1894) [1:43]

Кумушхонавий ўзининг “Жомийул-усул фил авлиё ва анвоиҳим” китобида комил инсонга қуйидагича таъриф берган: **“Комил инсон — ақл ва нафсга кўра куллий ва жузъий (паст ва юксак) барча мартабаларни босиб ўтган, ўзида илоҳий исм ва сифатларни жамлаган ва бу сифатларнинг тажаллисига мазҳар бўлган кишидир. Зарур бўлган барча мақом ва даражаларга етишгандан сўнг инсонларни тарбия ва иршод қилиш учун Аллоҳ таолонинг Ер юзида халифа қилиб вазифалантирган бандасидир. Бу даража “Ҳақиқат ул-ҳақиқат”, “Жам’ ул-жам” деб аталади. Яъни ўзида барча ҳақиқатларни жамлаган кишидир. Комил инсон зоҳирий ва ботиний илмларни тўлиқ эгаллаб, ваҳдонияти илоҳий ва бошқа сифатларнинг борлиқдаги тажаллилларини мушоҳада қилган, камолга етган ва маърифатга эришган зотдир. Шунингдек, у инсонийликнинг бутун эзгу сифатларини ўзида тўплаган ва улуғ Аллоҳнинг раҳмат, ҳаёт, қудрат каби сифатларига ҳамда “биринчи ақл”, “лавҳ ул-маҳфуз”, “китоби мубин”, “қалб” ва “руҳ” сирларига мазҳар бўлган киши ҳисобланади” [2:138].**

Комил инсон ҳақидаги ғояларнинг илдизи зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”га бориб тақалади. Бу манбада комилликни мезони қилиб ҳалол меҳнат талқин қилинган.

Сайид Содиқ Гуҳарин ўзининг “Шарҳи истилоҳати тасаввуф” асарининг 1-жилд, 125 бетда комил инсон тушунчасини биринчи марта Шайхи Кабир номи билан машхур бўлган Муҳъйиддин Ибнал Арабий (1165-1240) томонидан муомалага киритилганлиги ёзиб, унинг фикрларини таҳлил этган. Ибнал Арабий фикрича комил инсон-бу ақли аввал ёки нафси аввал, ақли кулл тушунчалари билан маънодошдир. Чунки Тангри таоло илоҳий нурдан илк марта Ақли аввални яратди ва унинг сурату шаклини Комил Инсон қиёфасида зухур этди. Шунинг учун “Халақаллоҳу одама ало суратар –Раҳмону” (Аллоҳ одамни Раҳмон суратида яратди) деган ҳадис мавжуд. Комил инсон, шу тариқа, Аллоҳнинг Раҳмону Раҳим сифатларига эга бўлди, дейдилар[3:13].

Комил инсон ҳақидаги махсус асарни Азизиддин Насафий ёзган. Бу асарни номи “Комил инсон китоби”и деб аталади. Китобнинг иккинчи фасли “Комил инсон баёнида” бағишланган бўлиб, унда комил инсонга шундай таъриф берилган: “Билкилки, Комил инсон деб шарият, тариқат ва ҳақиқатни тўлиқ эгаллаган одамни айтадилар. Агар бу иборани тушунмасанг, бошқача сўз билан айтай: билкилки, комил инсон шундай

инсонки, унда тўрт сифат камолга етган бўлсин: эзгу сўз, эзгу асал(феъл), эзгу ахлоқ ва маориф”[4:24]. Маориф деганда кўп нарсани билиб, маърифат этиш тушунилади.

Баҳоуддин Нақшбанд Нақшбандия таълимоти тамойилари бўлган рашҳаларга асосланиб, Комил инсонга қуйидагича таъриф берган. Инсон ўз жисмоний қувватларини: кўриш, эшитиш, нафас олиш, қўл ва оёқ қуввати, гапириш, ҳаракат қилишни бошқариб уларнинг ҳукмдори бўлиши керак. Кейин ақлий қувватини бошқариш ва ақл-заковатини эзгу йўлга сафарбар этиш имкони туғилади. Энг асосийси жисмоний ва ақлий қувватларни бошқаришни ўрганиб, улар ёрдамида нафсини жиловлайди ва уни амморалиқдан комила даражасигача тарбиялайди[3:72]. Шу даражага етганда инсон иймони мустаҳкам, яъни “Дил ба ёр” ва фаол-“Даст ба кор” бўлади. Ана шу даражага етган инсонни Баҳоуддин Нақшбанд комил инсон деб, билган.

Нажмиддин Комилов “Тасаввуф” асарида алломаларни комил инсонга берган таърифларини таҳлил қилиб қуйидаги ўз фикрларини келтирган:

1. Комил инсон – инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва доноси;
2. Комил инсон Илоҳ билан одамлар орасидаги воситачи, илоҳий амр, ғайб асрорини оддий одамларга етказувчи улуғ ҳомийдир;
3. Комил инсон мартабада Ақли кулл (Ақли аввал) хислатларига тенг. Аллоҳ аввал Ақли куллни, Комил инсонни яратди, кейин у туфайли бошқа махлуқотлар яратилди.
4. Комил инсонни руҳи азалдан маълум, у Тангри таоло яратган энг қудратли руҳдир.
5. Комил инсон шу сифатлари билан мутлақ илоҳий хислатларни жамлаган кайҳоний мавжудликдир, у агар оддий инсон суратида кўринса ҳам, лекин маънан коинотни қамраб олган ҳамиша бедор ва ҳамма нарсадан хабардор бир зотдир.
6. Шу мартабада у Аллоҳнинг халифаси бўла олади.
7. Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. У азалдан мартабаси аниқ бўлган руҳ эмас, балки ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида камолга эришгандир.

8. Шу учун ҳар бир пок ахлоқли, илоҳсевар шахс комилликка интилиши ва бу йўлда насиба олиши мумкин.

9. Комилликни олий белгиси Ҳақ йўлидан бориб халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга наф’ келтирса, ёмонларни тузук йўлга солса, Ҳақ йўлида фидо бўлса, ана шунда комилдир[5:150-151]

Тадқиқотчи Х.Обломуродова ўзининг “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур” мақоласида комил инсон мартабасига эришиш тўғрисида ўз фикрларини билдирган. [6:173].

Кумушхонавийнинг Комил инсонга берган таърифини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

**1. “Комил инсон — ақл ва нафсга кўра куллий ва жузъий (паст ва юксак) барча мартабаларни босиб ўтган”** бўлиши керак. Маълум бўладики, Кумушхонавий комил инсонни ақлий жиҳатидан куллий ва жузъий (қуйи ва юқори) даражаларни эгаллаган бўлиши кераклигин айтган. Бу таъриф орқали Кумушхонавий- Аллоҳ инсонни яратиб, унга аввал ақл берган.

Кумушхонавий ақлни беш даражага бўлиб, қуйидаги ғояларни илгари сурган:

Ақли ғаризий- табиий (туғма ақл); 2.Ақли таклифий — бу кўп меҳнат қилиш ва олимлар билан суҳбатлар қилиш натижасида эришиладиган бир ақлдир; 3. Ақли атоий — Аллоҳ ато этган ақл; 4. Ақли нубувват – (ақли мин жиҳати нубувва) бу ақл фақатгина пайғамбарларга хосдир; 5. Ақли ташрифий (ақли мин-жиҳатиш шараф) — бу шараф жиҳатидан фақатгина бизнинг Пайғамбаримиз (с.а.в.)га берилган. [7:86,8:8]. Комил инсон бу ақл даражаларини тушаниб ўзида мужассамлаган бўлиши керак.

Комил инсонга берган таърифига Кумушхонавий нафсни ҳам барча босқичларини ўтган бўлиши лозим деб, айтган. Демак, ўз нафсини жиловлаган мутмаина-хотиржам, меёрига етказган ва унданда юксакликка кўтарилган даражада бўлиши керак.Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: “Нафс” (арабча нафс-қалб, кўнгил; инсон; мақсад, интилиш; гурур, мағрурлик) ейиш-ичишга, мол-дунёга бўлган эҳтирос маъноларини билдиради.

Кумушхонавий фалсафа маълумотларидан фойдаланиб, нафснинг таърифи ва турларини очиб берган. Унинг фикрича, инсонларнинг ҳаммасида нафси бор, лекин ҳар бир инсондаги руҳиятнинг ҳолати, ахлоқига мос равишда нафс ҳар хил хусусият ва шунга мос равишда турли номларга эга бўлади. Кумушхонавий Нақшбандийлар каби инсон нафсини аммора, лаввома, мулҳима, мутмаинна, розия, марзия, комила деб санаб ўтган[9].

Нафси аммора инсонни хилқатига боғлиқ бўлиб, ёмонликка амр этувчи нафс. Нафси лаввома ақли кириб оқ билан қорани, яхши билан ёмонни ажратадиган ўзини маломат қилган нафс. Нафси мулҳима ўлимдан, қиёматда ҳисоб-китоб қилинишдан кўрқадиган, ҳалолга эътибор берадиган нафс. Нафси мутмаинна хотиржам нафс. Бу даражага этганида инсон нафсини жиловлаб олган бўлади. Нафс розия, нафснинг Аллоҳдан рози бўлган ҳолати. Нафси марзия, бунда нафс Аллоҳдан, Аллоҳ нафсдан рози бўлган мақом бўлиб, иллоҳий исм ва сифатлар чақмоқдай чақнаб туради. Нафси комила, пайғамбарлар ва авлиёларнинг мақоми бўлиб, иллоҳий нурлар сўнмай чақнаб турадиган нафс.

Нафсни тарбиялашда устоз — муршиднинг алоҳида ўрни борлигини Баҳоуддин Нақшбанд таъкидлаб, айтган: “Изо арадат мақома-л-абдоли фа-алайка табдилу-ла-аҳволи” деганларидан мурод бу — Аллоҳ жалла жалолуҳуга суюнган ҳақиқий муршид инояти орқали ахлоқни ҳамда ёқимсиз феълларни ўзгартириш билан нафсга қарши курашишдир“. Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: “Ҳою ҳавас ва нафс аҳллари тутган ишлар асосининг барчаси залолат (адашув)дан иборатдир. Ишларда ниятни тўғри қилиш энг муҳим нарсасидир. Ният — касб қилиб топадиган нарса эмас, балки у ғайб оламидандир. Ниятнинг ҳақиқати ихтиёр остида эмас. Агар ният йўқ бўлса, умид натижа бермайди“. Нафс тарбиясида қалбни поклаш, ундан огоҳ бўлиб туриш асосий воситадир.[10:86]

Баҳоуддин Нақшбанд ўз нафсининг тарбиясини қиёмига етказиб, комили мукамаллик даражасига етган эдилар. Шунинг учун ўзлари айтар эдилар: “Агар хоҳласам, нафсимни эллик марта сув лабига олиб бориб, яна ташна ҳолда қайтариб келаман“. Нафс тарбияси масаласи нақшбандиядаги қалб ҳақидаги таълимотга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Тасаввуф таълимоти қалб масаласига махсус эътибор беради. Баҳоуддин Нақшбанд қалб оламини махсус ўрганган.[11:97 ]

**2. Комил инсон “Ўзида илоҳий исм ва сифатларни жамлаган ва бу сифатларнинг тажаллисига мазҳар бўлган кишидир”.** Кумушхонавийнинг комил инсон “Ўзида илоҳий исмларни жамлаган ва бу сифатларнинг тажаллисига мазҳар

бўлган кишидир дегани, инсонда Аллоҳнинг 99 исмларининг сифати тажаллий этган бўлиши лозим. Аллоҳ таолони исмларига Ар-Раҳмон-Меҳрибон, Ар-Роҳийм-Раҳмли, Ас-Сами'-Эшитгувчи, Ал-Басийр-Кўрувчи, Ал-Ҳалийм-Юмшоқ, Ал-Ғафур-Афв этувчи, Ас-Сабур-Сабр қилувчи ва бошқалар мисол бўлади[12:407]. Аллоҳнинг исмларининг сифати бандаларга тажаллий қилинган. Дарҳақиқат, бандаларда ҳам меҳрибонлик, раҳмдиллик, эшитиш, кўриш, сабр қилиш сифатлари бор.

Комил инсон “Ўзида илоҳий сифатларни жамлаган ва бу сифатларнинг тажаллисига мазҳар бўлган кишидир” деган ғояси билан Кумушхонавий Аллоҳ таолонинг сифатлари комил инсонда тажаллий қилиниши кераклигини айтган. Аллоҳ сифатлари зотининг айна ўзи бўлмагани билан, зотидан бошқа ҳам эмас, дейилган. Аллоҳ деганда мазкур сифатлар билан бирга тушунилади. Сўфи Оллоҳёр ушбу масала ҳақида қуйидагиларни ёзган:

Субутийдир онинг саккиз сифоти,

Сифоти зоти эрмас на ғойри зоти.

Яъне саккизта сифат субутий сифатлар дейилади ва улар Аллоҳ таолонинг зотини айна ўзи ҳам эмас, зотидан бўлак ҳам эмас, деб эътиқод қилинади. Саккизта субутий сифат қайси сифатлар эканини шундай баён қилган.

Ҳаёту, илму, қудрат ҳам басар, сам’,

Иродаю, калом, таквиндир, эй шам’.

Аллоҳнинг зотий сифатлари деганда: 1. Қудрат, 2. Ирода, 3. Илм, 4. Ҳаёт, 5. Сам’, 6. Басор, 7. Калом. Феълий сифатлар деганда эса “тирилтириш”, “ўлдириш”, ва “ризқ бериш” каби сифатлар бўлиб, уларнинг умумий номи “таквин”дир[13: 26-27].

Инсон исми ва зотининг сифатлари билан маърифатга эришиб, Аллоҳга яқинлашиб, унинг сифатларининг борлиқдаги тажаллилларини мушоҳада қилиб комил инсон даражасига етади.

**3. Комил инсон зарур бўлган барча мақом ва даражаларга етишгандан сўнг инсонларни тарбия ва иршод қилиш учун Аллоҳ таолонинг ер юзида халифа қилиб вазифалантирган бандасидир.** Аллоҳ таоло Қуръони Карим “Бақара” сурасининг 30-оятда “Эсла, вақтики Роббинг фаришталарга: “Мен одамни ер юзида халифа қилмоқчиман”, деди”[14]. Оятни маъносидан маълумки, Аллоҳ таоло Одамни ер юзида ўзининг халифаси бўлиши учун яратган. Демак, Комил инсон Аллоҳнинг Ер юзидаги халифаси бўлиб одамларни ҳақ йўлига йўналтириши керак.

Энг комил инсон пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в), пайғамбарлар Қуръони Карим ва пайғамбаримиз суннатларига амал қилган авлиёлар, Аллоҳни дўстлари ҳисобланади.

**4. Кумушхонавий “Комил инсон даражасига “Ҳақиқат ул-ҳақиқат”, “Жам’ ул-жам’” деб аталади” деган,** бу билан у комил инсонни ўзида барча ҳақиқатларни жамлаган киши эканлигини таъкидламоқда. Бундай сифатларни ўзида жамлаган инсонлар пайғамбарлар ва авлиёлар бўладилар. Бу сифатларга қуйидагилар киради: ибодатни тўлиқ мукамал вақтида адо этадиган, кечки ибодатларни бажарадиган, Аллоҳга таваккул қиладиган, ҳар бир ишни Аллоҳга ҳавола этадиган, хиёнатни билмайдиган, амонатдор, эрта турадиган, кам гапирадиган, кам овқатланадиган, керакли кунларда рўза тутадиган, меҳрибон, раҳмдил, сабрли, қаноатли, андишали, фаросатли, Аллоҳни, Аллоҳни бандасини Аллоҳ учун яхши кўрадиган, ва бошқа Аллоҳ рози бўладиган сифатларни ўзида “Жам’ ул-жам’” қилган инсон Комил инсон ҳисобланади.



**5. “Комил инсон зоҳирий ва ботиний илмларни тўлиқ эгаллаб, ваҳдонияти илоҳий ва бошқа сифатларнинг борлиқдаги тажаллиларини мушоҳада қилган, камолга етган ва маърифатга эришган зотдир”.** дейди Кумушхонавий.

Нақшбандия таълимоти асосчиси Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд фикрча илм пайғамбарлар мероси бўлиб, зоҳирий ва ботиний илмларга бўлинади. Зоҳир илмлар фойдали илмлардан бўлиб, уни саҳобалар пайғамбарнинг сўзларидан ва феълларидан олишган. Тобеинлар ва салаф олимлар уларга эргашишган. Ўқиб, ўрганиб, унга амал қилишган. Қуръон илмидан, суннат, тафсир, ахбор ва осор, фикҳ ва шунга эргашувчи илмлардан ўрганганлар. Ботин илми эса ўша маъноларни танишлик илмидир дейди.[15:98] “Билгинки, илм энг улуғ василадир. У Аллоҳга яқин бўлиш ва унинг сифатидир. Илм воситаси ва василаси орқали улуғ даражаларга етишинг мумкин” [16:47],-деб таъкидлайди.

Ахмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий илмни тўрт қисмга бўлади: фарз, ҳаром, мубоҳ ва мандуб, тасаввуф аҳли билиш керак бўлган илм.

Фарз бўлган илмлар: фарзи айн ва фарзи кифоя. Фарзи айн иймон билан куфрни, осийлик билан ҳидоятни ажратадиган миқдорда, ибодатда эса, намозни, рўзани, закотни, ҳажни адо этадиган миқдорда билиш зарур бўлган илмдир. Юқорида зикр қилинган илмларни ўта чуқур фикҳий тафсилоти билан ўрганмоқлик, айниқса, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтармоқлик, фикҳ, тафсир, ҳадис, усул, қироат, математика ва динни ихё қилмоқ (жонлантирмоқ) учун арабчани ўрганмоқ фарзи кифоядир. Аллоҳга шукроналар бўлсинки, халқимизга фарз бўлган илмларни ўрганиш учун имкониятлар яратилди. Ислом академияси, институтлари ва мадрасаларда араб тили, Қуръони каримни ўргатиш курслари очилди.

Илми нужум, мунозара, мантиқ (соғлом ақлга зид, иймонга хилоф) сеҳр тилсим ва фойдаси бўлмаган илмларни эҳтиёждан ортиқ ўрганмоқлик эса, ҳаром.

Мубоҳ бўлган илм эса, динга қарши бўлмаган шеърлардир.

Мандуб илмлар суннатни, макруҳни, нафл ибодатларни ва фазилатли амалларни ўргатадиган илмлар ҳамда геометрия, тиб ва ижтимоий каби фанлар.

Тасаввуф аҳли билиши лозим бўлган илм: таъбир илми, жиғр илми ва илҳом илмлари тўғрисида ҳам қисқа изоҳ берганлар[17].

Инсон ҳаёти давомида босқичма-босқич Кумушхонавий тавсифлаган илмларни ўрганиб, унга амал, ваҳдонияти илоҳий ва бошқа сифатларни мушоҳида қила оладиган маърифат даражасига эришиб, комил инсон мартабасига етади.

**Комил инсон “Инсонийликнинг бутун эзгу сифатларини ўзида тўплаган ва улуғ Аллоҳнинг раҳмат, ҳаёт, қудрат каби сифатларига ҳамда “биринчи ақл”, “лавҳ ул-маҳфуз”, “китоби мубин”, “қалб” ва “руҳ” сирларига мазҳар бўлган киши ҳисобланади”.** Кумушхонавийнинг таърифидан маълум бўладики, комил инсон инсонга хос бўлган бутун эзгу сифатларини ўзида тўплаган киши экан. Инсонийлик сифатларга: бир-бирини яхши ишларга буюриб, ёмон амаллардан қайтариши, ҳақ йўлга бошлаши, яхши хулқли, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиши, кам таъминланган ва алоҳида парваришга муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш ва мурувват кўрсатиш, ҳайр-у эҳсон қилиш ва ҳоказолар киради.

Юқоридаги таърифдан маълум бўладики, “биринчи ақл” Одам Атога берилгани, Аллоҳнинг “лавҳ ул-маҳфуз” китобига ишонган, “китоби мубин” яъни “Қуръони карим”

Аллоҳнинг сўзлари эканини тан олган, “қалб” ва “руҳ” сирларини мушоҳада қилиб тушунадиган инсон Комил инсон ҳисобланади.

**Хулоса.** Кумушхонавий ўзининг “Жомиъул-усул фил авлиё ва анвоиҳим” асрида “Комил инсон” га таъриф берган. “Комил инсон”га берилган таърифнинг моҳияти олти хусусиятга хослигини кўрсатган. Кумушхонавийнинг комил инсонга берган таърифи Ибнал Арабий ва Азизиддин Насафий таърифлари билан умумийлиги билан бирга ўзига хос томонларига эга. Азизиддин Насафий комил инсон деганда шариат, тариқат ва ҳақиқат мақомларига етган деб ёзган бўлса, Кумушхонавий таърифнинг бешинчи хусусияти маърифатга эришган зотдир дейиши билан фарқланади. Шунингдек, Азизиддин Насафий комил инсонга хос тўртта сифатни айтган, Кумушхонавий эса олти сифатни кўрсатган. Кумушхонавийнинг “Комил инсон”га берган таърифи асосида Маънавий ва маърифий ишларини олиб бориш Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда хизмат қиладиган баркамол авлодни тарбиялаш жараёнини самарали ташкил этишга ёрдам беради.

### Адабиётлар / Литература / References

1. Гуламова М.Т. Кумушхонавийнинг валийлик ва унинг даражалари ҳақидаги ғоялари // Ислом тафаккури. – Тошкент: 2021. 3-сон. -43 б.
2. Зиёвуддин Аҳмад Ал-Кумушхонавий. “Валийлар ва тариқатларда усул” (Истанбул. 2004)/Сайфиддин Сайфуллоҳ Тасаввуф ва нақшбандийлик (Манбалар ва ҳикматлар) Тошкент: “Ўзбекистон”.2019. –192 б.
3. Наврўзова Г.Н., Зоиров Э.Х., Юнусова Г.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. Тошкент: “Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти” 2006. –134 б.
4. Азизиддин Насафий. Комил инсон китоб. Форс тилидан Нажмиддин Комилов ва Олимжон давлатов таржимаси. Тошкент: “Жаҳон адабиёти” 2019. № 1 -133 б.
5. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф Тошкент: “Ёзувчи нашриёти”. 1996. –272 б.
6. Обломуродова Х. Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур. //Yuridik fanlar axborotnomasi. 2018. 2 том. –б.173-178
7. Зиёвуддин Аҳмад Ал-Кумушхонавий. Жомеъ ул-мутун./Таржимон Мирзо Кенжабек, Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000. –302 б.
8. Гуламова М.Т. Концепция разума Кумушхонави в работе “Джоми уль- мутун” //Universum: Общественные науки: электрон. научн. журн. 2020. № 5(65). 8-9 стр. URL: <http://7universum.com//ru/social/archive /category/ 5-65>
9. Gümüřhanevî'nin Câmiu'l-Usûl Adlı Eserinde İnsan Tasavvuru Kamil SARITAŞ [https://kutuphane.gumushane.edu.tr/media/uploads/kutuphane/files/gumushanevi\\_bil\\_dir](https://kutuphane.gumushane.edu.tr/media/uploads/kutuphane/files/gumushanevi_bil_dir)
10. Наврўзова Г.Н.,Рахматова Х.Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси./ Бухоро: “Бухоро нашриёти” “Техно-tasvir” босмахонасида чоп этилган. 2010. -103 б.
11. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд// Тошкент: “Фалсафа ва ҳуқуқ институти”. 2009.-Б. 96-100
12. Зиёвуддин Аҳмад ал-Кумушхонавий. Катта дуо ва зикр. Тошкент: “Шарқ”, 2014.-592 б.
13. Сўфи Оллоёр. “Рисолайи Азиза”-“Саботул ожизин” шарҳи. Тузувчи Ботирбек Хасан. Тошкент: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси” нашриёти 2000. –256 б.

14. Қуръони Азим мухтасар тафсири. “Бақара” сураси. 30 оят. Шайх Алоуддин Мансур. Тошкент: “Шарқ”, 2019. – 992 б.
15. Намозов Б.Б. Хожа Муҳаммад Порсо қарашларида илм ва амал бирлиги Масаласи// ҚарДУ хабарлари 2021 4(50) 98
16. Муҳаммад Порсо. Фаслул-хитоб. Қўлёзма. Таржима Намозов.Б. – Бухоро: Когон, Нақшбандия тариқати музейи фонди. Инв.42. 1331.-Б.47.).
17. Гуламова М.Т. Идеи Ахмада Зиёуддина ал-Кумушхонавий о знани //Universum: Общественные науки: электрон. научн. журн. 2020. № 3(63). URL: <http://7universum.com/ru/social/archive/item/9169> (Ideas of Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhonavi about knowledge)

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 12/1 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).